

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

1-сон
(137)
2005 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

1. «Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 710–II-сон Қонуни
2. «Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 3 декабрдаги 711–II-сон қарори
3. «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 712–II-сон Қонуни
4. «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 3 декабрдаги 713–II-сон қарори

Учинчи бўлим

5. «Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси) фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 4 январдаги 1-сон қарори

Бешинчи бўлим

6. «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 4 январдаги 1-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 январда 1439-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 1 январдан 7 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

1 Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборат.

3-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

Ернинг ва (ёки) сув кенглиklarининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими (бундан буюн матнда режим деб юритилади) ўрнатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

5-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тоифалари

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

давлат кўриқхоналари;
мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари;
табиат боғлари;
давлат табиат ёдгорликлари;
айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
муҳофаза этиладиган ландшафтлар;
айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

6-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бўлган мулк ҳуқуқи

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир.

Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар хусусий буюртма кўриқхоналар ҳамда табиий питомниклар ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

7-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва акватория участкалари

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига киради.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва акватория участкаларида мазкур ҳудудлардан фойдаланишнинг белгиланган мақсадига зид ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни чеклаш ёки тақиқлаш учун ер участкаларини сақлаш вазифаси белгиланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини чеклаш ёки тугатиш туфайли уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фондидаги ерлар ажратиб берилганда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар ва талафотларнинг ўрни қопланмайди.

Давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларига ташкил этилган буюртма кўриқхоналар бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкаларига солиқ солинмайди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти юритилаётган бўлса, ер солиғи ундирилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат табиат ёдгорликларини, буюртма кўриқхоналарни, табиий питомникларни муҳофаза қилиш бўйича зиммаларига юклатилган

мажбуриятлар бажарилишини таъминламаган тақдирда улар эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилиши мумкин.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ҳамда акватория участкаларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни олиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

8-модда. Фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириш эркинлиги

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фуқаролар кириб чиқиши учун очиқдир, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ноёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларини, бундай ўсимликлар ўсадиган ва бундай ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг айрим қисмларига фуқароларнинг кириши мазкур ҳудудлар қайси давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар томонидан чекланиши ёки ман этилиши мумкин.

Фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши шу ҳудудларда бўлишнинг махсус ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқландиган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Фуқароларнинг айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда пуллик асосда амалга оширилиши мумкин.

Айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда аҳолининг тарихан қарор топган тарзда яшаши мазкур ҳудудларнинг режимига риоя этиш шarti билан сақлаб қолиниши мумкин.

9-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

10-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига қўмаклашадилар. Давлат органлари ана шу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар.

Айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқаришга аҳолини жалб этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқаролар вакилларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан маслаҳатлашув комиссиялари тузилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ва уларнинг қўриқланма зоналарини ташкил

этиш тўғрисидаги, ана шу ҳудудларда яшовчи аҳолининг манфаатларига дахлдор қарорлар маслаҳатлашув комиссияларининг хулосалари инobatга олинган ҳолда қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида ахборотлар талаб қилиш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари ва жамоат экология назоратини амалга оширишлари мумкин.

II. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш

11-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат бошқаруви

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

12-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш учун ер участкаларини захира қилиш

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадида махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг тақлифига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ер участкалари захира қилинади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг захира қилинган ер участкаларидаги фаолияти, агар бундай фаолият мазкур участкаларда муҳофаза қилиш мўлжалланаётган табиий объектлар ва мажмуалар сақланишига хавф соладиган бўлса, чекланиши ёки тақиқланиши лозим. Ана шу ер участкаларининг юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки ижара учун беришга фақат давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режалар ва дастурларни, ер тузиш схемаларини ҳамда ҳудудий режалаштиришни, шунингдек табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга доир бошқа режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

13-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини тугатиш

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни қайта ташкил этиш уларнинг тоифаларини ўзгартириш зарур бўлганда амалга оширилади. Бунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қаттиқроқ режимли тоифадан енгилроқ режимли тоифага ўтказилишига алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг фаолият юритишини тугатиш бундай ҳудудлар қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат тугаганидан кейин, шунингдек табиий офатлар ҳамда техноген хусусиятдаги таъсирлар натижасида улардаги табиий объектлар ва мажмуаларнинг қимматлилиги ҳамда ноёблилиги йўқолган тақдирда амалга оширилади.

14-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бу ҳудудларнинг тоифалари ва турлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, миқдор ва сифат хусусиятлари, экологик, иқтисодий, илмий, маърифий ва бошқа жиҳатдан аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳақидаги, шунингдек ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри уларнинг режимини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштираётганда мазкур ҳудудларни ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда юритилади.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрига доир ахборот белгиланган тартибда берилади.

15-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти

Тасарруфида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳар бир ҳудуд бўйича паспорт тузадилар, унда мазкур ҳудудни, унинг режими ва бошқарувини тавсифловчи маълумотлар кўрсатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспортини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

16-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича барча ташкилий, табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, техникавий ва бошқа тадбирлардан иборат.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режалари тасарруфида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

17-модда. Табиий ҳудудларни муҳофаза қилишни ташкил этиш

Давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат

боғлари ва давлат биосфера резерватларини муҳофаза қилиш қўриқлов ходимлари томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади. Қўриқлов ходимлари давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари штатида турадилар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторларининг барча ҳуқуқлари ва имтиёзларидан фойдаланадилар.

Давлат буюртма қўриқхоналари ва табиий питомникларни муҳофаза қилиш, бундай қўриқхона ва питомниклар қайси юридик шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш, бундай ёдгорликлар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Агар давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари юридик ҳамда жисмоний шахсларга берилмаган ер участкаларида жойлашган бўлса, уларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари зиммасига юклатилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини муҳофаза қилиш, улар қайси қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ташкил этилган бўлса, шу қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ички ишлар органлари томонидан қўриқланади.

Курорт табиий ҳудудларни ва рекреация зоналарини муҳофаза қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъминланади.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар ўрмон қўриқчилари ва овчилик хўжаликларининг егерлик хизмати томонидан муҳофаза қилинади.

Балиқ хўжалиги зоналарини муҳофаза қилиш балиқчилик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан таъминланади.

Хусусий буюртма қўриқхоналар ва табиий питомникларни муҳофаза қилиш, улар қайси юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланади.

Қўриқланма зоналар давлат қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қайси давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юклатилган бўлса, шу давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан муҳофаза қилинади.

III. Давлат қўриқхоналари

18-модда. Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш

Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимга эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат қўриқхоналари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилади.

Давлат қўриқхоналари бундай қўриқхоналар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

19-модда. Давлат қўриқхоналарининг режими

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот фаолияти ва атроф табиий муҳит мониторингини юритиш бундан мустасно. Давлат қўриқхоналарида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудида ҳамда уларнинг қўриқланма зоналарида тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарининг ёки улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органларининг ходими ҳисобланмайдиган фуқароларнинг давлат қўриқхоналари ҳудудида бўлишига уларда ана шу органлар ёки давлат қўриқхонаси маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

20-модда. Давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот фаолияти

Давлат қўриқхоналарида илмий тадқиқотлар бундай қўриқхоналар штатидаги илмий ходимлар томонидан ўтказилади. Шартнома асосида бошқа илмий ташкилотлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгашлари (илмий кенгашлар) тузилади.

Давлат қўриқхоналарида атроф табиий муҳит мониторинги юритилиши шарт.

Давлат қўриқхоналаридаги илмий-тадқиқот фаолияти натижалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва табиатни муҳофаза қилиш фондларининг маблағлари ҳисобига олинган бўлса, давлат мулки ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига олинган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларига бўлган мулк ҳуқуқи давлат қўриқхоналари билан мазкур шахслар ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади. Давлат қўриқхоналари илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан текин фойдаланадилар.

Давлат қўриқхоналарининг табиий объектлари ва мажмуалари ҳолати тўғрисидаги илмий ахборот эълон қилиниши керак. Давлат қўриқхоналари ўз матбуот нашрларига эга бўлиши мумкин.

Давлат қўриқхоналарининг илмий фондлари муддатсиз сақланиши керак.

Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини мувофиқлаштириб боришни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси амалга оширади.

IV. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари

21-модда. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини ташкил этиш

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳисобланади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этилади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари бундай қўриқхоналар тўғрисида

ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

22-модда. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг режими

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот, рекреация фаолияти, атроф табиий муҳит мониторингини юритиш, шунингдек пичан ўриш ва чорва моллар ўтлатиш, ёввойи ўсимликларни озик-овқат мақсадлари учун, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ходимларининг ва мазкур қўриқхоналарнинг қўриқланма зоналарида яшовчи фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш) бундан мустасно.

V. Табиат боғлари

23-модда. Табиат боғларини ташкил этиш

Алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат боғлари ҳисобланади.

Табиат боғлари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этиладиган миллий табиат боғлари ва маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғларига бўлинади.

Табиат боғлари бундай боғлар тўғрисидаги, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органлари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

24-модда. Табиат боғларининг ҳудудлари

Табиат боғларининг ҳудуди табиат боғларига фойдаланишга бериб қўйиладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат боғлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Табиат боғлари ташкил этилаётганда уларнинг ҳудуди зоналарга бўлинади.

Табиат боғларининг ҳудудида қўриқхонага айлантирилган зоналар, рекреация, хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналари ажратиб қўйилади.

Аҳолини соғломлаштириш учун шароит бўлган тақдирда табиат боғларида курорт табиий ҳудудлар учун назарда тутилган режимли курорт зоналар ажратиб қўйилади.

Табиат боғлари зоналарининг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартириш, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу органлар томонидан, давлат экология экспертизаси хулосасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

25-модда. Табиат боғларининг режими

Табиат боғлари ҳудудида зоналарга бўлинишга мувофиқ табақалаштирилган режим ўрнатилади.

Табиат боғларининг қўриқхонага айлантирилган зоналарида давлат қўриқхоналари учун назарда тутилган режим ўрнатилади.

Табиат боғларининг рекреация зоналари табиий объектлар ва мажмуаларнинг ҳолатига қараб турли режимли участкаларга бўлиниши мумкин.

Табиат боғларининг хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналарида аҳолининг истиқомат қилишига, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказмайдиган фаолиятига йўл қўйилади.

Ҳар бир зонанинг режими табиат боғлари тўғрисидаги низомларда белгиланади.

Табиат боғларининг худудида қўйидагилар тақиқланади:

дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

гидрологик ва гидрогеологик режимни ўзгартирадиган ҳаракатлар;

тупроқ эрозиясини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар;

табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини амалга ошириш;

чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқова сувларни оқизиш;

тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш.

Табиат боғларида табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятнинг бошқа турлари ҳам чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Табиат боғларининг фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникациялар ва иншоотлар қурилиши зарур бўлган ҳолларда бузилган ерларни рекультивация қилиш, барча табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга ошириш албатта назарда тутилади.

VI. Давлат табиат ёдгорликлари

26-модда. Давлат табиат ёдгорликларининг турлари

Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат табиат ёдгорликлари ҳисобланади. Давлат табиат ёдгорликлари қўйидаги турларга бўлинади:

табиий сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё ва бошқа) ёдгорликлар;

айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар;

табиат яратган рельеф шакллари сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар;

қазилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар;

геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар.

27-модда. Табиий объектларни давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилиш

Табиий объектлар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиий объектларни улар жойлашган ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилишга йўл қўйилади.

28-модда. Давлат табиат ёдгорликларининг режими

Давлат табиат ёдгорликлари ҳудудида уларнинг асралишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Давлат табиат ёдгорликлари қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига бундай ёдгорликларнинг режимини таъминлаш мажбуриятлари юклатилади.

Диний мақсадларда фойдаланиладиган давлат табиат ёдгорликлари диний ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга бундай ёдгорликларни ободонлаштириш ва асраш ишларини амалга ошириш шарти билан фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

VII. Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар

29-модда. Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларнинг турлари

Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар буюртма қўриқхоналар, табиий питомниклар ва балиқ хўжалиги зоналари тарикасида ташкил этилади.

30-модда. Буюртма қўриқхоналар

Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар буюртма қўриқхоналар ҳисобланади.

Буюртма қўриқхоналар қуйидаги турларга бўлинади:

ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қимматли, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларини, тирик организмларнинг кўчиб ўтиш йўлларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналар;

айрим қазилма объектлар ва уларнинг мажмуаларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик буюртма қўриқхоналар;

қимматли сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналар;

нодир геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналар.

Буюртма қўриқхоналар умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

31-модда. Буюртма қўриқхоналарни ташкил этиш

Умумдавлат аҳамиятига молик буюртма қўриқхоналар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик буюртма қўриқхоналар махсус ваколатли давлат

органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Буюртма қўриқхоналар фаолият муддатлари кўрсатилмаган ҳолда (муддатсиз) ёки камида ўн йил муддатга ташкил этилади.

Буюртма қўриқхоналар давлатга қарашли ёки хусусий бўлиши, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Хусусий буюртма қўриқхоналарни ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги давлат буюртма қўриқхоналарини ташкил этиш учун ер участкалари ва айрим табиий объектлар белгиланган тартибда берилади.

32-модда. Буюртма қўриқхоналарнинг режими

Буюртма қўриқхоналарнинг ҳудудида, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини истисно этганда, айрим табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият доимий равишда ёки вақтинча чекланади ёки тугатилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги давлат буюртма қўриқхоналари жойлашган ҳудудлар ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, шунингдек ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг хўжалик мақсадидаги фойдаланишидан олиб қўйилмайди. Мазкур буюртма қўриқхоналар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ва (ёки) акватория участкаларида ташкил этилган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар буюртма қўриқхоналарнинг белгиланган режимига риоя этишлари шарт.

Ҳар бир буюртма қўриқхона режимининг хусусиятлари, мазкур буюртма қўриқхона қайси давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

33-модда. Табиий питомниклар

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг айрим турларига зарур шароит яратиш йўли билан уларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар табиий питомниклар ҳисобланади.

Табиий питомниклар юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Табиий питомниклар давлатга қарашли ёки хусусий, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Хусусий табиий питомникларни ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги давлат табиий питомникларини ташкил қилиш учун ер участкалари ва айрим табиий объектлар белгиланган тартибда берилади.

Табиий питомник қайси ўсимликлар ва ҳайвонлар учун мўлжалланган бўлса, шу питомникнинг ҳудудида шу ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

34-модда. Балиқ хўжалиги зоналари

Сув объектларини ёки уларнинг қисмларини ўз ичига оладиган, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқлар ва бошқа сув организмлари турларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун, шунингдек балиқ хўжалиги

эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар балиқ хўжалиги зоналари ҳисобланади.

Балиқ хўжалиги зоналари табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Балиқ хўжалиги зоналарида балиқлар ва бошқа сув организмларининг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

VIII. Муҳофаза этиладиган ландшафтлар

35-модда. Муҳофаза этиладиган ландшафтларнинг турлари

Курорт табиий ҳудудлар, рекреация зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари, сохил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари муҳофаза этиладиган ландшафтлар жумласига киради.

36-модда. Курорт табиий ҳудудлар

Даволаш ва соғломлаштириш хоссаларига, минерал манбаларга, шифобахш балчиқ қатламларига, қулай иқлим ва бошқа шароитларга эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар курорт табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Курорт табиий ҳудудлар умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Умумдавлат аҳамиятига молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

37-модда. Курорт табиий ҳудудларнинг режими

Курорт табиий ҳудудлар учта зонага бўлинади.

Биринчи зонага даволаш хоссаларига эга манбалар, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳудудлар киради. Бундай зонада ҳар қандай фаолият тақиқланади, даволаш хоссаларига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналарини ободонлаштириш учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно.

Иккинчи зонага санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларининг ҳудудлари киради. Бу зонада даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолиятни истисно этганда ҳар қандай фаолият, шунингдек бу ҳудудда вақтинча истиқомат қиладиган тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши тақиқланади.

Учинчи зонага санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларига туташ ҳудудлар киради. Бу зонада даволаш манбаларига, шифобахш балчиқ қатламларига зарар етказмайдиган ва дам олиш ҳамда даволаниш шароитларини ёмонлаштирмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат этилади.

Курорт табиий ҳудудлар доирасида қуйидагилар тақиқланади:

фойдали қазилмаларни қазиб олиш, минерал сувлар ва шифобахш балчиқ қазиб олиш бундан мустасно;
кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;
дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);
заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;
ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;
заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини куриш;
чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;
жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.

38-модда. Рекреация зоналари

Туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жўғрофий ва иқлим шароитларига эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация зоналари ҳисобланади.

Рекреация зоналари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

39-модда. Рекреация зоналарининг режими

Рекреация зоналари табиий объектлар ва мажмуаларнинг ҳолатига қараб турли режимга эга участкаларга бўлиниши мумкин.

Рекреация зоналарида қуйидагилар тақиқланади:
кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;
дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);
заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;
ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;
чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;
жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.

40-модда. Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари

Дарёларнинг, кўлларнинг, сув омборларининг, каналларнинг, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳисобланади. Бу зоналар ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ эрозияси маҳсуллари бўлмиш лойқа билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади.

Қаттиқ режимга асосланган сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳил бўйи минтақалари ҳисобланади.

Ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектларига туташ, қаттиқ режим асосидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳисобланади.

Дарёларнинг уваларида, ёйилма конусларда, тоғ ёнбағирларининг этакларида

ташқил қилинадиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ҳисобланади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари тегишинча табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати органларининг, геология ташкилотларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташқил этилади.

41-модда. Сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳил бўйи минтақаларининг, сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг ҳамда ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўлиш зоналарининг режими

Сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида чекланган хўжалик фаолияти юриштишга йўл қўйилади. Бундай зоналарда қуйидагилар тақиқланади:

дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;

заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;

ҳаром ўлган чорва моллар қўмиладиган жойларни ташқил этиш;

чиқиндиларни сақлаш ва қўмиш;

канализация-тозалаш иншоотлари ва оқова сувлар тўпланадиган иншоотлар қуриш;

чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун «шарбат» (суёқ гўнг) ишлатиш;

автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қўйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташқил этиш;

нефть маҳсулотлари омборларини ташқил этиш;

зигир, каноп ва тери ювиш.

Соҳил бўйи минтақаларида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чеклашлар ва тақиқлардан ташқари қуйидагилар тақиқланади:

минерал ва органик ўғитларни қўлланиш;

чорва молларни ўтлатиш;

ҳар қандай турдаги қурилиш, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно;

белгиланмаган жойларда қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар ташқил этиш.

Сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари турли режимли муҳофаза минтақаларига бўлинади.

Дарё ўзанларини ўзгартириш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва сув объектлари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ишларни бажаришга фақат табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг, шунингдек геология ташкилотларининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва режалаштириш ўтказиладиганда сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳил бўйи минтақаларининг ва сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг чегараларини ўзгартириш табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда санитария назорати органлари билан келишиб олиниши лозим.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари режими ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарига ҳам татбиқ этилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

IX. Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар

42-модда. Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларнинг турлари

Ўрмон фондининг эрозияга қарши барпо этилган ўрмонлар, шаҳар ўрмонлари, шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг яшил минтақалари атрофидаги ўрмонлар, алоҳида қимматли ўрмонлар, ёнғоқзорлар, мевали дарахтзорлар, илмий ёки тарихий аҳамиятга молик ўрмонлар эгаллаган ерлари, шунингдек овчилик хўжаликларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш учун мўлжалланган ер участкалари айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар жумласига киради.

43-модда. Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларнинг режими

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа фаолият тақиқланади.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга йўл қўйилади.

X. Яқунловчи қоидалар

44-модда. Давлат биосфера резерватлари

Ҳудудларни барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мақсадида давлат биосфера резерватлари — биологик ранг-барангликни сақлаш, табиий объектлар ва мажмуалардан оқилона фойдаланиш учун мўлжалланган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилиши мумкин. Давлат биосфера резерватлари халқаро биосфера резерватлари тармоғига қўшилиши ва атроф табиий муҳитнинг глобал мониторингида иштирок этиши мумкин.

Давлат биосфера резерватлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат биосфера резерватларининг ҳудудлари давлат биосфера резерватларига фойдаланишга бериладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат биосфера резерватлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Давлат биосфера резерватлари ҳудудида қуйидагилар ажратиб қўйилади:

табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаб қолиш учун мўлжалланган, давлат кўрикхоналари учун назарда тутилган режимли кўрикхонага айлан-тирилган зона;

табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тик-

лаш учун мўлжалланган, кўриқхонага айлантирилган зонага салбий таъсир кўрса-тиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланадиган оралиқ зона;

давлат биосфера резерватларининг табиий объектлари ва мажмуаларига зарар етказмайдиган хўжалик мақсадидаги ва бошқа тарздаги фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган зона.

Давлат биосфера резерватларининг режими бундай резерватлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом-лар билан белгиланади.

45-модда. Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

Икки ва ундан ортиқ давлат ҳудудида жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Ўзбекистон Республика-сининг халқаро шартномалари асосида ташкил этилиши мумкин.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режими Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белги-ланади.

46-модда. Кўриқланма зоналар

Давлат кўриқхоналари, буюртма кўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликлари билан чегарадош ҳудудлар кўриқланма зоналар ҳисобланади. Кўриқланма зоналар-да ана шу муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш учун хўжалик мақсадидаги ва бошқа тарздаги фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Кўриқланма зоналарнинг ўлчамлари ва режими, шунингдек ер участкаларини сақлаш вазифаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгиланади.

Давлат кўриқхонаси кўриқланма зонасининг бир қисми экологик туризмни ташкил этиш, мазкур ҳудуд учун хос бўлган ноёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларини кўпайтириш мақсадида табиий питомниклар барпо этиш учун ҳамда кўриқхонанинг бошқа эҳтиёжлари учун шу кўриқхонанинг ўзига топширилиши мумкин.

47-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни молиялаштириш

Давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари ҳамда табиат боғлари қуйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

табиатни муҳофаза қилиш фондлари маблағлари;

илмий-тадқиқот, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятдан келадиган даромадлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш-га қаратилган тушумлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик учун ундирилган жарима пуллари;

мусодара этилган овчилик қуроллари ва балиқчилик асбобларини реализация қилишдан, қонунга ҳилоф равишда қўлга киритилган ўлжа маҳсулотни сотишдан тушган пуллар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари ва табиат боғлари ихтиёрига ушбу

модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан ташқари, фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар беришдан, рекреация, туристик-экскурсия йўналишидаги ва қонун ҳужжатларида йўл қўйиладиган бошқа фаолиятдан келган даромадлар ҳам берилади.

Давлат буюртма кўрикхоналарини, давлат табиат ёдгорликларини ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун маблағлар мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қайси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари тасарруфида бўлса, шу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари томонидан ажратилади.

Хусусий буюртма кўрикхоналар ва табиий питомниклар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг тасарруфида бўлса, шу юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган тушумлардан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик учун ундирилган жарима пулларидан, фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар беришдан тушган маблағлардан, рекреация, туристик-экскурсия йўналишидаги ва бошқа фаолиятдан келган даромадлардан, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамларидан табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун фойдаланилади.

48-модда. Низоларни ҳал қилиш

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

49-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 3 декабрь,
710-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

**2 «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»-
ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 255-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 256-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 3 декабрь,
711-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**3 Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси
тўғрисида****I. Умумий қоидалар****1-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат ноижорат ташкилотидир.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси» номидан фақат ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ тарзда фойдаланилиши мумкин. Бошқа ташкилотлар

Ўз номларида «савдо-саноат палатаси», «савдо палатаси», «саноат палатаси» деган сўз бирикмаларидан ҳамда улар асосида тузилган сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

2-модда. Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Палатанинг мақсади

Палата тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

4-модда. Палатанинг вазифалари

Палатанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

5-модда. Палата билан давлат органларининг ўзаро муносабатлари

Давлат органлари Палатага у ўз вазифаларини бажаришида кўмаклашадилар ҳамда Палатанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг Палата фаолиятига ҳамда Палатанинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

II. Палатани ташкил этиш тартиби**6-модда. Палатани ташкил этиш**

Палата муассисларнинг ташаббусига кўра ихтиёрий бирлашиш принципи асосида ташкил этилади.

Палата муассислари Палатанинг таъсис конференциясини чақирадилар, унда Палатанинг устави қабул қилинади ҳамда бошқарув ва назорат органлари тузилади.

7-модда. Палата тизими

Палата Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади.

8-модда. Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишинча Палатанинг битта ҳудудий бошқармаси тузилиши мумкин.

Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс ҳисобланади ва Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Палатанинг ҳудудий бошқармалари, заруратга қараб, юридик шахс бўлмаган туман ва шаҳар филиалларини тузиши мумкин.

9-модда. Палатага аъзолик

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти субъектлари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилотлар Палата аъзоси бўлиши мумкин.

Палата аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилот билан Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

10-модда. Палатанинг устави

Палатанинг уставида қуйидагилар бўлиши лозим:

Палатанинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

Палатанинг мақсад ва вазифалари;

Палатанинг ҳудудий бошқармаларини, шунингдек уларнинг туман ва шаҳар филиалларини тузиш тартиби;

Палатанинг бошқарув ва назорат органларини шакллантириш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари доираси, муддати ва қарорлар қабул қилиш тартиби;

Палата аъзолигига қабул қилиш ҳамда аъзоликдан чиқиш шартлари ва тартиби;

Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

Палатанинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкини шакллантириш манбалари;

Палата тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби;

Палатанинг уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

Палатани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Палата уставига қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

11-модда. Палатани давлат рўйхатидан ўтказиш

Палатани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Палатанинг ҳудудий бошқармаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек уларнинг туман ва шаҳар филиалларини қайд этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Палатанинг уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Палата қандай тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундай тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

12-модда. Палатанинг бошқарув органлари

Палатанинг бошқарув органлари қуйидагилардир:

Палата қурултойи;

Палата марказий кенгаши;

Палата ижроия қўмитаси.

Палата бошқарувининг олий органи уч йилда камида бир марта чақириладиган Палата қурултойидир.

Қурултойлар оралиғидаги даврда Палата фаолиятига раҳбарликни Палата марказий кенгаши амалга оширади.

Палата фаолиятига жорий раҳбарликни Палата ижроия қўмитаси амалга оширади ва у Палата қурултойи ҳамда марказий кенгашига ҳисобдордир.

III. Палата фаолиятининг асослари

13-модда. Палатанинг ҳуқуқлари

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасида ва чет давлатларда ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтиролар, фойдали моделлар ва санонат намуналарини патентлашда, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ҳудудидан ташқарида кўргазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

газеталар, журналлар ва бошқа босма материаллар нашр этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун ноширлик ва реклама хизматлари кўрсатиш;

халқаро ва чет эл ташкилотларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳада Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шу жумладан халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

чет эллик шериклар мурожаат этган ҳолларда товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

Палата аъзоси бўлмиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда кўмаклашиш;

давлат божи тўламасдан судга Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-модда. Палатанинг мулки

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозлар ҳамда ўз уставида белгиланган вазифаларни бажариши учун зарур бошқа мол-мулк Палатанинг мулки бўлиши мумкин.

Палатанинг мулки Қонун билан муҳофаза қилинади.

15-модда. Палатанинг мол-мулкни шакллантириш манбалари

Палатанинг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари;

Палата тадбиркорлик фаолиятдан оладиган ва фақат ўз уставида белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган даромадлар (фойда);

Палата томонидан ташкил этилган ташкилотлардан ажратмалар;

грантлар ва хомийлардан келадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

16-модда. Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари

Палата аъзолари Палата уставида белгиланадиган тартибда ҳамда миқдорларда кириш ва аъзолик бадаллари тўлайди.

IV. Яқунловчи қоидалар

17-модда. Палатанинг халқаро алоқалари

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Палата халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, тўғридан-тўғри халқаро мулоқотлар ва алоқалар олиб бориши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

18-модда. Низоларни ҳал этиш

Палатани ташкил этиш ва унинг фаолият юритиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19-модда. Палата ва унинг аъзолари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик

Палата ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради. Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Палата аъзолари Палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

20-модда. Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 3 декабрь,
712-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

4 «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 112-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 113-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда) XVI бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) XIV бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) XI бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 3 декабрь,
713-II-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

5 Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси) фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда кимёвий ва биологик препаратларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш, уларни синаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибларига риоя этиш юзасидан масъулиятни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси)га айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат кимё комиссияси ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Давлат кимё комиссиясининг асосий вазифалари этиб белги-лансин:

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ҳамда юқори самарали, экология жиҳатидан хавфсиз ва кам заҳарли кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш ҳисобига ҳосилни сақлаб қолишга йўналтирилган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакл-лантириш ва амалга ошириш;

республика вазирликлари ва идораларининг кимёвий ва биологик препаратларни ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш, препаратларнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда республика қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рухсат этилган препаратлар рўйхатига киритиш ва уларни рўйхатдан чиқариш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун тавсия қилинган кимёвий ва биологик препаратларга доир илмий-техникавий ҳужжатлар экспертизасини амалга ошириш, уларнинг биологик самарадорлигини, токсик-гигиеник ва экологик хоссаларини аниқлаш юзасидан синовлар ўтказиш;

республика корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича четдан келтириладиган кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, биопрепа-

ратлар сифатини назорат қилиш, уларни қўллаш юзасидан хулосалар бериш ҳамда инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга салбий таъсири аниқланганда улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш.

3. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари давлат комиссияси таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти Давлат кимё комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат кимё комиссиясининг эксперт гуруҳи белгиланган тартибда тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тугатиш комиссиясини тузсин ҳамда мазкур эксперт гуруҳни тугатиш билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда Давлат кимё комиссияси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 январь,
1-сон

* Илова берилмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

6 Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
4 январда 1439-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 14 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005—2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин амалга киритилсин.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш бошқармаси (А. Мансуров) мазкур буйруқни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг зудлик билан жойларга етказишни таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Жўраев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 январь,
1-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг
2005 йил 4 январдаги 1-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси
негизда фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини
аниқлаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005—2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёнида танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари ва тартибини белгилайди.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича танлов ўтказишда танлов ўтказишга тайёргарлик қилиш ва уни эълон қилиш, танловда иштирок этиш шартлари, танловни ўтказиш тартиби ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномасини ва танлов ғолибининг мулкка бўлган ҳуқуқини расмийлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарори билан тартибга солинади.

2. Қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия танлов ўтказилишидан бир ой олдин маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа қулай шаклда қишлоқ хўжалик корхонасининг қайта ташкил этилиши ва танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради ва танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқароларнинг аризаларини қабул қилиш муддатларини белгилайди.

Танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилишидан ўн кун олдин тўхтатилади.

3. Танловда иштирок этиш ҳуқуқига қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг аъзолари, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари ва ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари эгадир.

Комиссия раиси ва котиби тегишли танловда талабгор сифатида иштирок этишлари мумкин эмас.

Комиссия аъзолари тегишли танловда комиссия раисининг розилиги билан фақат битта контур бўйича талабгор сифатида қатнашиши мумкин. Ўзи ариза берган контур бўйича танлов ўтказилганда ушбу комиссия аъзоси овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу тўғрисида комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

4. Етарли техника ва пул маблағларига эга бўлган шахслар бир неча контурларга талабгор сифатида ариза беришлари мумкин.

5. Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг котиби қабул қилади. Комиссиянинг котиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунигача талабгорнинг баҳоланадиган имко-

ниятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш мазкур Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган схема асосида амалга оширилади.

II. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш тартиби

6. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш икки босқичдан иборат бўлади:

биринчи босқичда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади;

иккинчи босқичда талабгорларнинг аризаларида баён қилинган таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги ўрганиб чиқилади.

7. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда комиссия муайян ер участкасида фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида ариза тақдим этган талабгорларнинг ҳужжатлари асосида уларнинг таклифларини пухта ўрганиб чиқади. Ҳар бир иштирокчининг лойиҳаси алоҳида баҳоланади. Бунда ариза берувчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳамда уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

8. Танловда иштирок этувчи қатнашувчиларни танлашнинг биринчи босқичида талабгорларнинг имкониятлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

мутахассислиги;

маълумоти;

қишлоқ хўжалигидаги иш стажи;

мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;

мавжуд яроқли техникаси;

сўнги йилларда шартномавий мажбуриятларини қай даражада бажарилиши (фермер хўжаликлари ва оилавий пудратчилар учун).

9. Талабгорларнинг имкониятлари 10 баллик рейтинг шкаласида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

а) талабгорнинг мутахассислиги ва маълумоти маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Хорижий давлатлар, шу жумладан МДХ давлатлари таълим муассасалари томонидан 1992 йил 1 январдан сўнг берилган маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар белгиланган тартибда нострификацияланган бўлиши лозим;

Талабгорнинг мутахассислигини баҳолашда талабгорнинг маълумоти (олий ёки ўрта махсус)дан қатъи назар, фақатгина мутахассислик инобатга олинади. Мутахассислик учун энг юқори балл фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга бўлган талабгорларга берилади. Бунда, фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассислик деганда фермерлик фаолиятини юритишга доир махсус мутахассисликка эга шахслар, шу жумладан айнан шу соҳада касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёки шу соҳада бакалавр (магистр) даражасини олган ёхуд бошқа илмий даражага эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Бир неча мутахассислик бўйича маълумот тўғрисидаги ҳужжатга бўлган талабгорларнинг фақатгина битта энг юқори балли мутахассислиги инобатга олинади.

б) талабгорнинг қишлоқ хўжалигидаги иш стажини аниқлашда меҳнат дафтарчасига асосан фақат шу соҳада ўталган иш стажи инобатга олинади ва 6 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда комиссияга меҳнат дафтарчасининг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

в) талабгорнинг пул маблағлари мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотномада тасдиқланган бўлиши лозим. Банк маълумотномаси банк Бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Талабгор танловга таклиф этилган пул маблағларини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш мажбуриятини олиши лозим. Ушбу мажбурият талабгорнинг аризасида кўрсатилади.

Айрим ҳолларда талабгор танловга пул маблағлари ўрнига ўз мол-мулкни таклиф этиши мумкин. Бунда мол-мулк талабгорнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Агар таклиф этилаётган мол-мулк талабгорга биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлса, бу ҳолда тегишли оила аъзосининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши лозим.

Танловда таклиф этилган мол-мулклар қиймати қуйидаги шартлар асосида инобатга олинади:

1) мол-мулк баҳоланган ва уларга бўлган (чорва молларидан ташқари) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим. Чорва молларининг талабгорга тегишлилиги қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган, фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланиб, муҳри билан тасдиқланган маълумотнома асосида аниқланади. Уларнинг нархи чорва бозори маъмурияти томонидан берилган маълумотнома асосида аниқланиши мумкин;

2) талабгор танловга юқори ликвидли мол-мулкни (чорва моллари, товар-моддий бойликлар ёки бошқа тез сотиладиган мол-мулклар) тақдим этиши ва танловда ютган тақдирда, ушбу мол-мулкларни сотиб, пул маблағларини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш мажбуриятини олиши лозим. Фермер хўжалиги фаолиятини юритиш жараёнида бевосита фойдаланилиши мумкин бўлган мол-мулклар бўйича сотиш мажбуриятини олиш талаб этилмайди, бундай мол-мулкларни бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш мажбуриятини олиш кифоя.

Таклиф этилган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларини ёки фойдаланиш мумкин бўлган мол-мулкларини бўлажак фермер хўжалигининг уставига киритиш мажбурияти талабгорнинг аризасида кўрсатилади.

3) танловга талабгорнинг шахсий уй-жойи, уй буюмлари ва шу кабиларни, шунингдек суд қарорига кўра ёки бошқа асосларга кўра хатланган мол-мулкларни таклиф этишга йўл қўйилмайди;

4) мол-мулк қийматини аниқлашда танловда қатнашиш учун таклиф этаётган техника воситалари қиймати ҳисобга олинмайди.

Бир неча контурларга ариза берган талабгорларнинг бир контурга танловда инобатга олинган пул маблағлари (мол-мулки) бошқа контурга танловда инобатга олинмайди. Бундай талабгор ўз пул маблағлари (мол-мулки)ни контурлар ўртасида ўз хоҳишига кўра тақсимлаши мумкин.

г) талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган техника воситалари уларнинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда комиссияга техника воситалари техника паспортларининг асл нусхалари тақдим этилади.

Техника воситалари талабгорнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Таклиф этилаётган техника воситалари талабгорнинг оила аъзоларига те-

гишли бўлиши мумкин ва бу ҳолда талабгорга эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш тўғрисида тегишли оила аъзосининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши лозим.

Танловда иштирок этаётган фаолият юритаётган фермер хўжалиги бошлиғи ушбу фермер хўжалигига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган техник воситаларни танловга таклиф этиши мумкин. Бу ҳолда, техника воситаларининг имкониятлари фермернинг мавжуд ер майдонини ҳам инобатга олган ҳолда баҳоланади.

Талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган техника воситаларининг яроқлилиги уларнинг техник паспортидаги техник созлиги тўғрисидаги белгига асосан аниқланади.

Бир неча контурларга ариза берган талабгорларнинг бир контурга танловда инобатга олинган техника воситалари бошқа контурга танловда инобатга олинмайди. Бироқ, агар талабгор таклиф этаётган техника воситасининг имкониятлари (қуввати) бир контурдаги ер майдонига нисбатан юқорироқ бўлса, бундай техника воситаси истисно тариқасида бошқа контурга танловда ҳам инобатга олиниши мумкин.

д) агар талабгор фермер ёки оилавий пудратчи бўлса, у томонидан иш фаолиятининг сўнгги уч йилдаги ишлаб чиқариш ва шартномаларнинг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими (оилавий пудратчи бўйича эса — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими) томонидан берилган маълумотнома асосида қўшимча 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

10. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашнинг иккинчи босқичида комиссия томонидан талабгорлар таклифларининг иқтисодий асосланганлиги баҳоланади.

Таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги талабгорнинг аризаси ва бизнес-режасини, зарур ҳолларда эса, тавсиянома хатларини таҳлил этиш асосида 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Таклифларнинг иқтисодий асосланганлигини баҳолашда ариза ва бизнес-режада назарда тутилган мақсадларга эришиш қанчалик ҳақиқатга яқинлиги, шунингдек талабгорнинг ер майдонидан кўп йиллик ўртача кўрсаткичдан кам бўлмаган ҳосилдорликни таъминлаш, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш схемасига риоя этган ҳолда 10 йил муддат мобайнида ишлаб чиқариш ихтисослашувини ўзгартирмаслик, алмашлаб экишга риоя этган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун махсулот сотиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, кредиторлик қарзларни белгиланган муддатларда тўлаш каби мажбуриятларининг тўлиқлиги ва уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

11. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашнинг биринчи ва иккинчи босқичлари бир вақтнинг ўзида ўтказилади. Бунинг учун танлов эълон қилинган кундан бошлаб 21 кундан кейин, лекин 25 кундан кечиктирмай, комиссия аъзоларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Йиғилишда талабгорнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тегишли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича битта балл берилади.

Йиғилишда комиссия аъзоларининг кўпчилик овозига кўра қўйилган рейтинг баллари Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақасига қўйилади. Ушбу варақа танлаш ўтказилган кунгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилиб, комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

12. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш босқичларида энг юқори рейтинг баллари тўплаган талабгорлар Комиссия қарорига кўра танловда иштирок этиш учун тавсия қилинади.

Бунда олган бали энг юқори балл олган талабгордан 10 баллгача ёки 10 баллга фарқ қилган талабгорлар энг юқори балл олган талабгорлар ҳисобланади ва танловда иштирок этиш учун тавсия этилади.

Қолган талабгорлар танловда иштирок этиш учун тавсия этилмайди ва бундай талабгорларга танловдан олинганлиги тўғрисида ёзма равишда рад жавоби берилди.

Бир контурга талабгорларнинг сони учтадан кам бўлса, олган баллари миқдоридан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси танловда иштирок этиш учун тавсия қилинади.

13. Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда қабул қилинади, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади ҳамда кейинги кундан кечиктирмай танловда иштирок этишга тавсия этилган талабгорлар рўйхатини эълон қилади.

Комиссия томонидан танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда танловни ўтказиш шартлари ҳам эълон қилинади.

14. Танловни ўтказиш қоидалари ва талабларига риоя этмаган, қонун ҳужжатларига асосан талабгорлар деб эътироф этилмаган, танловда иштирок этиш учун аризаларни ўз вақтида тақдим этмаган шахслар танловда иштирок этишга қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун ёлғон маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар ҳам танловда иштирок этишга қўйилмайди.

15. Комиссия танловда иштирок этишга қўйилган шахслар тўғрисидаги тўлиқ ахборотни танлов ўтказиладиган бинода манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминлайдиган тарзда ёзма шаклда эълон қилиши, шунингдек танловда иштирок этишга қўйилмаган шахсларга ёзма шаклда асосли рад жавобларини йўллаши шарт.

16. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчини танлашда талабгор сифатида эътироф этилган, бироқ йиққан балларига асосан тегишли контурга танловда иштирок этиш учун қўйилмаган талабгорлар йиққан балларини сақлаб қолган ҳолда шу хўжаликдаги бошқа контурлар (ариза тушмаган ёки аризалар сони кам бўлган контурлар) бўйича ўтказиладиган танловда қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Бундай талабгор бошқа контурга танловда ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақасини илова қилиши кифоя.

17. Танловда иштирок этиш учун танлаб олинган қатнашувчи ўз аризасини бир контурдан олиб, танлов ўтказилганга қадар аввал йиққан балларини сақлаб қолган ҳолда шу хўжаликдаги бошқа контурдаги ер майдонига бериш ҳуқуқига эга. Бундай талабгор бошқа контурга танловда ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги комиссия қарорини илова қилиши кифоя.

III. Танлов ўтказиш ва голибни аниқлаш тартиби

18. Танлов уни ўтказиш тўғрисида эълон қилинган кундан сўнг бир ойдан кейин ўтказилади ва унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

19. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари доирасида, танлов энг кўп ариза тушган контурлар бўйича бошланиб, аризаларнинг сони камайишига қараб навбатма-навбат кўриб борилиши керак.

20. Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир талабгорнинг қобилияти, тегишли билими, ишбилармонлиги ва савияси фермер хўжалиги фаолиятини юритиш ва бошқариш бўйича берилган савол-жавоблар асосида 10 балли шкала билан баҳоланади. Танлов варақаси ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ ҳар бир комиссия аъзоси томонидан шахсан тўлдириб имзоланади ва комиссия раисига топширилади.

21. Танловда ҳар бир комиссия аъзоси томонидан талабгорга қўйилган баллар йиғиндиси комиссияда балл қўйган аъзолари сонига бўлинади ва талабгорга қўйилган ўртача балл ҳисоблаб чиқарилади.

22. Танловда қатнашиш учун танлаш босқичида тўпланган балл ва танловда олинган ўртача балл йиғиндиси талабгорнинг якуний бали ҳисобланади.

Талабгорнинг якуний бали мазкур Низомнинг 6-иловасида назарда тутилган ҳисоб-китоб асосида аниқланади.

23. Энг кўп якуний балл тўплаган талабгор танлов ғолиби деб комиссия раиси томонидан эълон қилинади. Бунда бошқа барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси аъзосига имтиёз берилади.

24. Комиссия якуний йиғилишининг баёни (7-илова) икки нусхада тузилиб, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади ҳамда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

25. Агар битта контурга фақат битта талабгордан ариза келиб тушган бўлса, у ҳолда танлов муддати тугагандан сўнг ушбу контурга белгиланган тартибда қайта танлов ўтказилади. Қайта танловда ҳам ушбу контурга бошқа талабгорлардан ариза келиб тушмаса комиссиянинг бир овоздан қабул қилган қарори билан талабгорга ушбу контурдаги ер участкаси берилиши мумкин. Бунда, талабгорнинг тақдим этган ҳужжатлари ва ўтказилган суҳбат натижасида олган бали ушбу қишлоқ хўжалик корхонасини қайта ташкил этишда қатнашган ва энг юқори балл олган талабгор балининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим. Бу тўғрисида комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

26. Комиссиянинг якуний йиғилиши баёни ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман ҳокимиغا юборилади.

IV. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжалиги ташкил этишда талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш ишлари бўйича ҳужжатларни юритиш

27. Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлари комиссия котиби томонидан юритилади. Комиссия котиби, қоида тариқасида, туман ҳокимлиги ходими бўлади.

28. Комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари туман ҳокимлигида қайта ташкил этилаётган ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича алоҳида йиғма жилдларда сақланади. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжаликларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 ҳафта мобайнида туман ҳокимлигининг идоравий архивига топширилади.

29. Ҳар бир йиғма жилдда қўйидаги ҳужжатлар тикилиши лозим:

а) контурлар бўйича барча танловларга талабгорлар томонидан тақдим этилган аризалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

б) комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонлари нусхалари;

в) танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақаси нусхалари;

г) комиссиянинг ҳар бир контур бўйича талабгорларни танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари;

д) ҳар бир комиссия аъзоси томонидан тўлдирилган танлов варақалари;

е) танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби;

ж) танлов ўтказиш якунлари юзасидан комиссия томонидан қабул қилинган баённомалар нусхалари;

з) талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар.

Жилдга рейтинг баллари беришга асос бўлган барча ҳужжатлар (шу жумладан асли тақдим этилган ҳужжатларнинг нусхалари) тикилиши шарт.

Шунингдек, йиғма жилдларда мажбурий тартибда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси активлари ва пасивларини, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари мулкӣ пайларини хатловдан ўтказиш ва баҳолаш бўйича, ортиқча асосий ва айланма маблағларни, шунингдек фойдаланиш муддати тугаган воситаларни кимошди савдосида ёки очиқ савдода сотиш бўйича, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси балансида бўлган ижтимоий ва бошқа инфратузилмаларни маҳаллий ҳокимликлар ёки бошқа ташкилотлар балансига бериш бўйича ҳамда мол-мулкларни ҳисобдан чиқариш бўйича барча ҳужжатлар тикилиши лозим.

30. Комиссиянинг фаолиятига доир ҳужжатларни тўлиқ юритилиши, сақланиши ва белгиланган муддатларда архивга топширилишига комиссия раиси ва котиби шахсан жавобгар ҳисобланади.

V. Якуний қоидалар

31. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Комиссия томонидан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган тартибда ҳал этилади.

32. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А. САЛИМОВ


Тошкент ш.,
2005 йил 4 январь

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 январь

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида фермер хўжаликларини ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш схемаси



Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик
корхоналарида фермер хўжаликларини
ташкил этишда танлов ролибларини
аниқлаш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни
танлашда талабгорларнинг имкониятларини баҳолайдиган
рейтинг баллари**

Т/р	Баҳолаш меъзонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1.	Мутахассислиги	Фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга Агроном, иқтисодчи, юрис Инженер, ҳисобчи, Механик, зоотехник Бошқа мутахассис	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 5 балл	Маълумот тўғриси- даги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқлан- ган нусхаси
2.	Қишлоқ хўжалигидаги иш стаж	15 йилдан юқори 11-15 йилгача 6-10 йилгача 3-5 йилгача 1-3 йилгача	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 6 балл	Меҳнат дафтарчаси ёки унинг белгилан- ган тартибда тасдиқ- ланган нусхаси
3.	Маълумоти	Олий Ўрта махсус Ўрта	10 балл 8 балл 6 балл	Маълумот тўғриси- даги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқлан- ган нусхаси
4.	Фермерликка талабгор юрисдик ва жисмоний шахс- нинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки	10 млн. сўмдан юқори 5 млн. — 10 млн. сўмгача 1 млн. — 5 млн. сўмгача 500 мингдан — 1 млн. сўмгача	10 балл 8 балл 6 балл 4 балл	Банк маълумот- номаси. Танловга мол-мулк таклиф этилган тақ- дирда, унинг баҳоси- ни ва унга эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.
5.	Талабгорга ёки унинг оила аъзоларига (оила аъзолари- нинг нотариал тасдиқлаган розилиги билан) тегишли яроқли техника (1 донаси учун)	Ҳайдов трактори Ишлов бериш трактори Транспорт трактори Юк машинаси Енгил машинаси	8-10 балл* 6-8 балл* 6-8 балл* 6-8 балл* 4-6 балл*	Техник паспорт
6.	Оилавий пудратчи ёки фермер томонидан сўнгги уч йил давомида шартнома- ларнинг бажарилиши	3 йил сурункали бажарганда 3 йилдан 2 йил бажарганда 3 йилдан 1 йил бажарганда	10 балл 7 балл 4 балл	туман статистика бўлими ёки қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотнома
7.	Аризада ва бизнес режада баён қилинган таклифлар- нинг иқтисодий асослан- ганлиги	Аризадаги таклифлар ва бизнес режанинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқилади	5 баллдан 10 баллгача	Ариза, бизнес режа ва зарур ҳолларда тавсиянома хатлар

* Техник воситанинг имкониятларидан келиб чиқиб балл берилади.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик
корхоналарида фермер хўжаликларини
ташкил этишда танлов ғолибларини
аниқлаш тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақаси

т/р	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Мутахас- сислиги учун балл	Маълумоти учун балл	Иш стажи учун балл	Пул маблағи (мол-мулк) учун балл	Техник воситаси учун балл	Шартнома мажбуриятларини бажарганлик учун балл	Иқтисодий асосланганлиги учун балл	Жами балл
1.									
2.									
3.									
4.									
5.									

Комиссия раиси:

Имзолар

Комиссия аъзолари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик
корхоналарида фермер хўжаликларини
ташкил этишда танлов ролибларини
аниқлаш тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Талабгорларни _____-сонли контур бўйича ер участкасига
танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида**

_____ тумани _____ қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжа-
ликларига айлантириш бўйича комиссияси _____-сонли контур бўйича ер участкаси-
га танловда иштирок этишга ариза берган талабгорларнинг ариза ва ҳужжатларини
ўрганиб, уларнинг имкониятларини баҳолаш асосида қуйидаги талабгорларни тан-
ловда иштирок этишга тавсия қилади:

т/р	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Рейтинг бали
1.	_____	_____
2.	_____	_____
3.	_____	_____
4.	_____	_____
5.	_____	_____

Танлов 20__ йил «__» _____ соат _____ да қуйидаги ман-
зилда ўтказилади:

Комиссия раиси:

Комиссия аъзолари:

Котиб

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик
корхоналарида фермер хўжалиklarини
ташкил этишда танлов ғолибларини
аниқлаш тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Танлов варақаси

_____ туманидаги _____ қишлоқ хўжалиги корхонасини
фермер хўжалигига айлантириш бўйича туман ҳокимининг 200__ йил «__» _____
даги «__» сонли қарори билан ташкил этилган Қишлоқ хўжалик корхонасини
фермер хўжалиklarига айлантириш бўйича комиссиянинг аъзоси _____

(исми, шарифи, насаби)

200__ йил «__» _____ да №__ контур бўйича танловда қатнашган та-
лабгорларга балл қўйиш варағи

Талабгорларнинг исми, шарифи, насаби	Талабгорларга қўйилган балл (10 балли шкала бўйича ба ҳоланади ва сўз билан ёзилади)
1.	
2.	
3.	
4.	
5.	
6. в.б.	

(имзо)

(исми, шарифи)

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик
корхоналарида фермер хўжаликларини
ташкил этишда танлов ғолибларини
аниқлаш тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Фермер хўжалигини ташкил этиш бўйича талабгорларга
танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби**

Комиссия аъзоларининг исми ва шарифи		Талабгорлар			
		Б. Ёқубов	Н. Болтаев	В. Эгамов	П. Сотимов
I	Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни аниқлашда тўпланган балл	45	46	51	51
Танловда комиссия аъзолари томонидан қўйилган баллар					
1	Й. Аршабоев	7	8	10	10
2	Р. Аҳмедов	6	7	10	8
3	А. Абдусаматов	4	6	10	7
4	А. Эргашев	7	4	10	9
	...				
10	Ш. Эрназаров	9	9	10	5
	жами балл	68	70	90	80
II	Танловдаги ўртача балл (жами тўплаган балли танловда қатнашган комиссия аъзолари сонига (10га) бўлиб топилади).	6,8	7	9	8
III	Умумий балл (I + II)	51,8	53	60	59

Комиссияси раиси

Имзолар

Комиссия аъзолари:

1. _____

2. _____

3. _____

... _____

10. _____

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик
корхоналарида фермер хўжаликларини
ташкил этишда танлов қолибларини
аниқлаш тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАНДИ»

_____ (қишлоқ хўжалиги корхонасининг номи)

_____ (юқори бошқарув органи номи)

20__ йил «____» _____
_____ -сон

_____ тумани _____ қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжа-
ликларига айлантириш бўйича комиссияси йиғилишининг

_____ -сонли баённомаси

_____ қишлоғи «____» _____ 200__ йил.

Раислик қилди: _____ ширкат хўжалигини
фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта
ташкил этиш комиссияси раиси

Қатнашдилар: (туман раҳбарлари, комиссия аъзолари)

Кун тартиби

_____ қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжаликларини таш-
кил этиш учун ўтказилган танлов якунлари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан қайта ташкил этиш комиссиясининг раиси
_____ ахбороти эшитилди. (қайта ташкил этиш комиссиясининг иш режаси,
хўжалик мол-мулкни ва ер участкаларини комплекс хатловдан ўтказиш, ишчи
гуруҳлари томонидан бажарилган ишлар ва танлов якунлари тўғрисида)

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

_____ қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш учун ўтказилган танлов яқунлари қуйидагича тасдиқлансин.

Т/р	Танлов ғолибининг (И.Ш.Н)	Ер контури	Майдони, га	Тўплаган бали
1.				
2				
3				
4				
5				

Комиссия раиси:

Комиссия аъзолари:

Котиб

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 1 январдан 7 январгача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 4 январдаги 1-сон буйруғи.*

2005 йил 4 январда 1439-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 14 январдан кучга киради).

